

13-БМСМнинг фаоллар залида туман ҳоқими, 1-сектор раҳбари Ш. Ш. Набиев иштирокида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Туман ҳоқими бугунги кунда ҳукуратимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор, уларнинг илмли, билимли, зукко бўлишлари ва ОТМларга киришлари йўлида амалга оширилаётган ишлар борасида фикр юритди.

Ёшлар ҳам ушбу учрашувда фаоллик кўрсатишди ва бир қатор мурожаатлари билан иштирок этишди. Мурожаатлар натижаси ўлароқ, 26-умумий ўрта таълим мактабида янги компьютер хонаси ташкиллаштириладиган бўлди.

Мурожаатлар мобайнида Гулноза Содикова уйида шахсий кутубхонаси борлиги, аммо унда китоблар камлигини билдириб, кутубхонасини бадий китоблар билан бойитишда ёрдам сўради. Бу ташаббус ижобий баҳоланиб, ушбу ёш китобхонга учрашувнинг ўзида унга энг сара асарлардан иборат 10 та китоб тўхфа қилинди.

Ёшларнинг кўплаб мурожаатлари ижобий ҳал этилган бу учрашув 26-мактаб ёшларининг хотирасида бир умрга муҳрланади.